

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

УРУНОВА ФЕРУЗА ТИМУРОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ
РЕАЛ СЕКТОРИНИ ЛОЙИҲАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ
ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Economical sciences**

Урунова Феруза Тимуровна

Ўзбекистон тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторини
лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини кенгайтириш 3

Урунова Феруза Тимуровна

Расширение участия коммерческих банков Узбекистана в проектном
финансировании реального сектора экономики 27

Urunova Feruza Timurovna

Extension participation of commercial banks of Uzbekistan in project
financing of the real sector of the economy 51

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

УРУНОВА ФЕРУЗА ТИМУРОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ
РЕАЛ СЕКТОРИНИ ЛОЙИҲАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ
ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt503 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамидулин Михаил Борисович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Норбой Ганиевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Насиров Эгамкул Исмаилович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номли РИУ Тошкент филиали


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» 09 куни соат 11:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdu@tsue.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (085 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdu@tsue.uz.


Диссертация автореферати 2021 йил «8» 09 кунида тарқатилди.

(2021 йил «8» 09 даги 33 -рақамли реестр баённомаси)




Н.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор


Б.Т.Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., доцент


С.К.Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тижорат банкларининг иқтисодий реал секторидаги лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокининг кенгайиб бориши инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лойиҳавий молиялаштириш шаклларида самарали фойдаланиш борасида янгидан-янги талаблар қўймоқда. «Жаҳонда лойиҳавий молиялаштириш бўйича битимларнинг ҳажми 2012 йилдан 2020 йилгача 42,2 фоизга ўсиб, 2020 йилнинг охирига бориб 282,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди»¹. Иқтисодий тараққиётга эришишда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш барча давлатлар учун ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Иқтисодий реал секторида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ривожланишнинг стратегик дастурларини амалга ошириш, янги бозорларни эгаллаш қўшимча маблағ қўйилмаларни тақозо этади. Халқаро амалиётда тижорат банклари томонидан иқтисодий реал секторидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида иқтисодий реал секторнинг муҳим тармоқлари молиялаштирилмоқда, янгидан-янги лойиҳавий молиялаштириш орқали ташкил этилган корхоналар барпо этилмоқда.

Жаҳонда инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлиги ва уларни баҳолаш, ички инвестицион лойиҳаларни рағбатлантириш, давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сийёсатини такомиллаштириш, инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни қисқартириш, инвестицион инфраструктузилмани ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, банкларнинг лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, лойиҳаларни молиялаштириш схемаларида давлат-хусусий шериклик шартларини киритиш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда корхоналарни модернизация қилиш кўламининг кенгайиб бораётгани, миллий иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг янги жабҳаларига ўтиш, тижорат банкларининг реал сектордаги корхоналарни инвестициявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини янада кенгайтириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий реал сектордаги ривожлантириш ва либераллаштиришдаги муҳим вазифа сифатида «банк тизими капиталлашув даражаси ва банкларнинг депозит базаси барқарорлигини таъминлаш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш»² устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу борада, банкларнинг лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини янада ошириш, лойиҳавий молиялаштиришда

¹ «Project Finance and Infrastructure Finance» халқаро журнали маълумотлари.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

рисklarни камайтириш, лойиҳаларни техник экспертизадан ўтказиш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сон «Ўзбекистон Республикасида лойиҳаларни бошқариш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг **республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш ҳам хорижий, ҳам республика иқтисодчи олимларининг ишларида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Хусусан, самарали инвестицион лойиҳаларни танлаш борасидаги масалалар Г.Бирман, В.Беренс, М.М.Богуславский, Ж.М.Кейнс, И.В.Липсиц, А.Н.Панов, П.М.Хавранек, В.Д.Шапиро, В.Ю.Катасонов, Д.С.Морозов, М.В.Петров, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, Л.Ж.Гитман, М.Д.Жонк, Ф.А. фон Хайек каби олимлар ишларида кўриб чиқилган.

Корпоратив молияни бошқариш назариясида инвестицион ресурслардан фойдаланиш масалалари М.Миллер, Ф.Модильяни, Г.Александр, М.Гордон, Д.Линтнер, Р.Литценбергер, Р.Брейли, С.Майерс, Р.Холт, Ж.В.Хорн, М.Аоки, У.Шарп, Ю.Бригхэм, М.Эрхардт, В.В.Ковалев, А.Д.Шермет, А.М.Ковалева, И.А.Бланк, Я.М.Миркин, Б.Б.Рубцовнинг илмий ишларида ўз ривожини топган.

Сўнгги йилларда россиялик олимлар ва мутахассислар Г.Белоголова, О.Лаврушин, А.Грязнова, Е.Звоновой, Ю.Колосов, Г.Коробова, А.Нешита, Е.Стародубцева ва бошқаларнинг фундаментал ишларида тижорат банкларининг инвестицион портфелини оптимал шакллантиришни таъминлаш муаммосининг турли жиҳатлари тадқиқ қилинди.

Замонавий маҳаллий тадқиқотларнинг аксарияти бошқарувнинг чет эл усуллари ва технологияларини Ўзбекистон шароитига мослаштиришга қаратилган. Жумладан, Ш.З.Абдуллаева, С.П.Абдуллаев, М.Артиков, Т.И.Бобокулов, А.В.Вахабов, Д.Г.Газибеков, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов,

М.Б.Хамидулин, Н.Х.Хайдаров, Н.Г.Каримов., Курбанова Х.³ ва бошқаларнинг илмий ишларида инвестицион лойиҳаларни бошқариш, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда молиявий ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Мазкур тадқиқот ишида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида лойиҳавий молиялаштириш, юқори даромадлилик ва муносиб риск билан уйғунлашуви ва улар туфайли Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторига инвестицион лойиҳаларни узоқ муддатли ва мақсадли молиялаштиришнинг афзалликларини тадқиқ қилиш ва ривожлантиришда комплекс ёндашув амалга оширилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928354-сон «Ўзбекистон экспортёр корхоналарининг ривожланиш эҳтиёжларини инновацион молиялаштириш механизмларини институционал мустақкамлаш» мавзусидаги давлат илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторини лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тижорат банкларида лойиҳавий молиялаштиришнинг янги шакл ва усулларини таклиф этиш;

лойиҳавий молиялаштиришдаги илғор хорижий тажрибани умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикасида ундан фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

тижорат банкларининг реал секторни лойиҳавий молиялаштиришда ҳозирги ҳолати ва иштирок этишининг истиқболларини баҳолаш;

иқтисодий-математик таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда лойиҳавий молиялаштириш рискларини баҳолаш;

тижорат банкларининг лойиҳавий молиялаштиришнинг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида иштирок этиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

³Абдуллаев С.П. Пути расширения масштабов использования коммерческими банками Узбекистана потенциала ценных бумаг. Т.: Молия, 2009; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. и.ф.д. илм. даража. Олиш учун баж. дис. авт. – Т.: 2008; Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Бурханов О.А. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: Шарқ, 2003.; Хамидулин М.Б., Абдуллаева Ш.Р. и др. Повышение эффективности финансовых инструментов в обеспечении стабильного роста национальной экономики. – Т.: Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2016 г.; Омонов А. Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқариш. – Т.: «Иқтисод-молия». 2016. Котов В.А. Совершенствование деятельности банков по инвестиционному обеспечению стратегически важных предприятий Узбекистана. – Т.: Молия, 2011. – 320 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008. – 204 с.; Қ.М. Юлдошев Ўзбекистон Республикасида хусусий сектор тараққитининг молиявий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўналишлари. иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Наманган 2010 йил.; Хайдаров Н.Х. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида)», иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертацияси Тошкент 2003 йил

тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторини лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш соҳасидаги фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторини лойиҳавий молиялаштириши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли ёндашув, статистик кузатиш, иқтисодий ва математик моделлар, статистик жамлаш ва гуруҳлаш, эмпирик ва монографик таҳлил, корреляцион ва регрессион, статистик моделлаштириш ва прогнозлаш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат харажатларини қисқартириш ва рискларни бошқариш мақсадида тижорат банкларининг лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

лойиҳавий молиялаштиришни техник жиҳатдан қўллаш, техник экспертиза ўтказиш, техник рискларни аниқлашга ихтисослашган инжиниринг компаниясини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

инвестицион лойиҳаларнинг сифати ва натижавийлигини оширишда инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлашнинг $50\% < E < 80\%$, $E < 50\%$ мезонлари шкаласи таклиф этилган;

инвестицион лойиҳалар давлат дастурларини амалга оширишнинг самарадорлик даражасини баҳолашда ($ЭР_{гп} > 0,9$ – юқори, $0,80 < ЭР_{гп} < 0,9$ – ўрта, $0,70 < ЭР_{гп} < 0,80$ – қониқарли) шкалалари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат дастурлари, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари бўйича молиялаштириш воситалари ва шакллари танлашга асослаб берувчи лойиҳаларнинг қийматли параметрларини ва самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш ва мониторинг қилиш модель тавсия этилган;

PART (Program Assessment Rating Tool) услубиёти асосида инвестицион лойиҳаларнинг хусусий рейтинг баҳолашни ҳисоблашда оғирлик коэффициентларига асосланган дастурларни интеграл рейтинг баҳолашнинг комплекс экспертизаси ва лойиҳавий таҳлил қилишнинг алгоритми ишлаб чиқилган;

тижорат банкларининг лойиҳавий молиялаштиришда иштирок этишнинг «кредит», «мезонли молиялаштириш», «инвестициялаш» ва «гибрид молиялаштириш» шакллари таклиф этилган;

давлат дастурларини амалга оширишда лойиҳаларнинг молиялаштириш манбалари, рисклар, зарарларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаларни амалга ошириш, миллий маълумотлар базасини шакллантириш бўйича мақсадли индикаторлар таклиф этилган;

тижорат банкининг портфели компонентларининг даромадларининг эҳтимолий тақсимланишини ҳисобга олувчи инвестицион портфелни шакллантириш услубиёти таклиф қилинган;

тижорат банки томонидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг рискинни кўп омилли таҳлил қилиш алгоритми асосида ташкилотнинг интеграл рискинни ҳисобга олувчи модельи шлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, инвестиция лойиҳалари мавжуд тижорат банкларининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. *Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан* тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторини лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳавий молиялаштиришни техник жиҳатдан қўллаш, лойиҳавий молиялаштириш хусусиятларини тавсифлаш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторини лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лойиҳавий молиялаштириш орқали тижорат банкларида инвестицион жараёнларни ривожлантириш бўйича илмий натижалар асосида:

тижорат банкларининг лойиҳавий молиялаштириш схемаларидаги бошқа иштирокчилар, биринчи навбатда давлат билан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2018 йил 19 январдаги 11/ИЖ-15-418-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тижорат банкларининг лойиҳавий молиялаштириш схемаларидаги турли иштирокчилар, жумладан давлат ташкилотлари билан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзаро ҳамкорлик қилиши учун меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган;

лойиҳавий молиялаштириш схемаларида рискларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси қошида лойиҳавий молиялаштиришни техник жиҳатдан қўллаш, техник экспертиза ўтказиш, техник рискларни аниқлаш ва бошқаришга ихтисослашган Инжиниринг компаниясини ташкил этилган (Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг 2019 йил 07 августдаги 04/314-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тижорат банклари томонидан

иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини лойиҳавий молиялаштиришда рискларни камайтириш имконияти яратилган;

инвестицион лойиҳаларнинг сифати ва натижавийлигини оширишда инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлашнинг 50%<E<80%, E<50% мезонлари шкаласи таклифи АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятида жорий этилган (АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2019 йил 18 майдаги 09-12/3976-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида банк томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш жараёнларининг самарадорлиги ошган;

инвестицион лойиҳалар давлат дастурларини амалга оширишнинг самарадорлик даражасини баҳолашда ($ЭР_{гп} > 0,9$ – юқори, $0,80 < ЭР_{гп} < 0,9$ – ўрта, $0,70 < ЭР_{гп} < 0,80$ – қониқарли) шкалалари таклифи АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятида жорий этилган (АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2019 йил 18 майдаги 09-12/3976-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида банк томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш жараёнларининг самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича муаллиф томонидан жами 12 та илмий иш ва 1 монография, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тижорат банкларининг лойиҳавий молиялаштиришдаги иштирокининг концептуал асослари ва шакллари**» деб номланган биринчи бобида лойиҳавий молиялаштириш (ЛМ) тушунчалари ва муҳим хусусиятлари очиб берилган, унинг инвестицион жараёнда эгаллаган ўрни аниқланган, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг замонавий механизми кўриб чиқилган, назарий-услубий

жиҳатлари ёритиб берилган ҳамда тижорат банкларини ЛМ схемаларига фаол жалб қилиш зарурлиги асослаб берилган. Банкни лойиҳавий молиялаштириш (БЛМ), шу жумладан, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шартлари асосида амалга оширилаётган БМЛ механизмининг тамойиллари белгиланган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда ЛМ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг турли манбаларидан энг самаралиси бўлиб ҳисобланади. Лойиҳавий молиялаштириш соҳасидаги таниқли олимлар профессор А.А.Суэтин, Э.Р.Йескомб, Питер Невитт ва Франк Фабоццининг фикрича, у асосий хусусиятларига кўра узок муддатли инвестицион лойиҳаларини ўзига хос молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда мақсадли молиялаштиришни, кредиторнинг қарз олувчига нисбатан мавжуд бўлмаган ёки чекланган регрессни назарда тутиб, унда тўлов мажбуриятларининг таъминоти сифатида лойиҳани амалга оширишдан олинган пул даромадлари ҳамда ушбу лойиҳага тегишли активлар ҳисобланади⁴.


ЛМнинг бошқа таърифини инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришнинг барча турдаги манба ва усуллари – банк кредитлари, акциялар эмиссияси, акциядорлик капиталига улушлар киритиш, фирма кредитлари, облигацион қарзлар, молиявий лизинг, саноат корхоналарининг ўз маблағлари (амортизация фонди ва тақсимланмаган фойда) ва ҳ.к.дан фойдаланиш мумкинлиги билан боғлаш мумкин. Бу молиялаштиришнинг барча шакл ва усулларнинг афзалликларидан фойдаланиш имконини беради. Айрим ҳолларда давлат маблағларидан (давлат кредитлари ва субсидиялар, кафолатлар ва солиқ имтиёзлари кўринишида) ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу таърифда А.А.Чунгин нуқтаи назарига тўлиқ қўшилиш мумкин⁵. Муаллиф томонидан «лойиҳавий молиялаштириш» тушунчаси таърифининг ифодаси сифатида сўнгги олти йил мобайнида ЛМга жалб этилган капитал тузилмаси келтирилган (1-расм). Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, лойиҳавий молиялаштириш ўз таркибига молиялаштиришнинг кўплаб шакллари олади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш давлат ва хусусий компаниялар, банклар, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа институтлар ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқни назарда тутди. Бундай ҳамкорлик давлат-хусусий шериклиги деган номни олиб, унга Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»ги Қонунида қуйидагича таъриф берилган: «Давлат-хусусий шериклиги – давлат ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклиги лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги»⁶.

⁴ Суэтин А.А. Проектное финансирование. – М.: Бизнес и Банки, 2006.-№10; Йескомб Э.Р. Принципы проектного финансирования = Principles of Project Finance. – М.: Альпина Паблишер, 2015. – 408 с. – ISBN 978-5-9614-1721-0; Nevitt P.K. Project Financing. Fifth edition, London, 2010. – P.11.

⁵ Чунгин А.А. Проектное финансирование: сущность, оценка возможностей применения в России, стимулирование. // Автореферат дисс. на соиск. уч.степ. к.э.н. – М.: 2010. С.15.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»ги Қонуни. 2019 йил 10 май, ЎРҚ-537-сон. – <http://www.lex.uz>.



1-расм. Капитал тузилиши ва лойиҳавий молиялаштириш бўйича битимлар сони (2011-2018 йй.)⁷

Фикримизча, «давлат-хусусий шериклиги» ташкилий-ҳуқуқий шакл нуқтаи назаридан давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг расмийлаштирилган шакли бўлиб, институтлар тизимига асосланган инвестицион лойиҳалар доирасида молиялаштириш, бошқариш, муайян ресурсларни эксплуатация қилиш масалалари бўйича биргаликда фаолият олиб боришни ўз ичига олиб, минтақа, шаҳар, тармоқ ва идоравий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзаро мажбуриятлар, муносабатларни тақсимлаш ва рисклардан ҳимоялашни назарда тутувчи шартномалар кўринишида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришга қаратилган.

Юқорида келтириб ўтилган таърифга асосан, ДХШнинг қуйидаги асосий хусусиятларини таъкидлаш керак:

расмий ҳужжатларда қайд этиладиган хусусий ва давлат иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар;

ДХШ лойиҳаларида ҳукумат органлари хусусий сектор олдида иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ва катализатор сифатида эмас, балки тартибга тенг ҳуқуққа эга бўлган ҳамкор сифатида фаолият юритадилар;

ДХШ лойиҳаларида, биринчи навбатда, умумдавлат фойдали мақсадлар асосида амалга оширилувчи халқ манфаатлари назарда тутилади;

ДХШ лойиҳалари доирасида давлат ва хусусий инвестор маблағларини киритиш ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқариш жараёнида қарорларни қабул қилишдаги биргаликдаги иштироқи таъминланади.

⁷ Dealogic маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. – <http://www.dealogic.com/>

Бизнинг фикримизча, 2-расмда келтирилган инвестицион харажатлар, рисклар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги даромадларни тақсимлаш механизми зарур булган маблағларни жалб қилиш ва шу асосда лойиҳани амалга ошириш эҳтимолини оширишга имкон беради.



2-расм. Лойиҳавий молиялаштиришда инвестицион харажатларни тақсимлаш механизми⁸

Республика иқтисодиётининг деярли барча тармоқларини молиялаштирувчи Ўзбекистоннинг йирик тижорат банкларидаги давлат активларининг сезиларли даражадаги улуши мавжудлиги банклар ДХШда, шу жумладан, лойиҳавий молиялаштириш (БЛМ) схемаларини амалга оширишда фаол иштирокчилар эканлигидан далолат бермоқда.

Банкларнинг ЛМ схемаларида иштирок этишнинг энг фаол шакли – бу ҳомий⁹ ёки лойиҳа ташкилотчисининг ролидир. Бунда, лойиҳанинг кредитори мақоми банкнинг анъанавий қарз берувчи ёки лойиҳа молиялаштирилишини ташкил қилувчи ташкилот сифатида иштирок этишини назарда тутати. Бундай ҳолда, банк барча – классик кредитдан «гибрид молиялаштириш»га қадар қарз

⁸Муаллиф томонидан тузилган

⁹ Ҳомийлар – лойиҳанинг хусусий капиталига фаол инвестиция киритувчилар бўлиб, улар promoters – промоутерлар, ёки developers – ишлаб чиқувчилар деб ҳам аталади. Уларнинг лойиҳадаги роли лойиҳани илгари суриш, ривожлантириш ва бошқаришдан иборат бўлади. Ҳаттоки лойиҳавий молиялаштириш учун фойдаланиш регресс ҳуқуқисиз (яъни ҳомийлардан кафолат олинмаган) ҳолатда ҳам, уларнинг иштироки аввалгидек муҳим бўлиб қолаверади (Муаллиф изоҳи).

молиялаштириш схемаларини қўллайди, бу ерда акциядорлик ва қарз муносабатларининг элементлари мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Молиявий воситалар ўртасидаги фарк¹⁰

Параметр	Банк кредити*	Мезонли молиялаштириш	Тўғридан-тўғри инвестициялар
Жорий ставка	12 – 17 %	14 – 16 %	—
Мақсадли даромадлилик	12 – 17 %	20 – 25 %	30 – 50 %
Таъминот	30-40% чегирмага эга активлар	Компания акциялари, баъзида активларини чегирмасиз баҳолаш	Ҳа
Фаолиятда иштирок этиш	Билвосита	Билвосита	Бевосита
Инвестицион қарорни қабул қилиш базаси	Қарз мажбуриятини бажара олиш	Қарз мажбуриятини бажара олиш ва ўсиш истиқболлари	Аниқ ўсиш истиқболлари
Чиқиш стратегияси	Кредитни қайтариш	пут/колл опционларини бажариш ва репо шартномасини бажариш	Ташқи инвестор, IPO

* Ставкалар 2016 йил ҳолатига Европа тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳалари бўйича кўчмас мулк ёки бошқа юқори ликвидли активлар билан таъминланмаган муддати 3 йилдан ортиқ бўлган инвестицион кредитлар, лойиҳавий молиялаштириш маҳсулотлари бўйича кўрсатилган.

Диссертациянинг «Тижорат банкларининг иқтисодий реал секторини лойиҳавий молиялаштиришда иштирок этишининг бугунги ҳолати» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон тижорат банкларида ЛМ ривожланишининг институционал асослари ва тенденциялари баҳоланган. Лойиҳаларнинг даромадлилиги ва бажарилишига рисклар таъсирининг иқтисодий-математик модели кўриб чиқилган, БЛМ соҳасида рискларни бошқаришнинг хусусиятлари очиқ берилган, БЛМ рискинни комплекс баҳолашга имкон берадиган усул кўриб чиқилган.

БЛМни кенг қўллашни бошлаш учун синдикатлашган кредитлашни амалга ошириш лозим. Ўзбекистон Республикасида синдикатлашган кредитлаш соҳасидаги дастлабки қадам 2005 йилда Марказий банк томонидан «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдикатлашган кредитлаш тартиби тўғрисида Низом»ни қабул қилиши билан амалга оширилган.

Бирок, бир неча сабабларга кўра унинг амалга оширилиши етарли даражада бўлмади. Биз ушбу Низомнинг муҳим камчиликларига эътибор қаратишни таклиф қиламиз, хусусан:

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

низомнинг номланиши фақатгина «йирик» лойиҳаларни қўшма кредитлаш билан чеклайди, бу эса кичикроқ лойиҳаларни синдикатлашган кредитлаш шартларида молиялаштириш имконини ҳуқуқий базасидан маҳрум қилмоқда;

«йирик лойиҳа» таърифини киритиб, қонун чиқарувчи уларнинг умумий қиймати тижорат банки биринчи даражали капиталининг 25 фоиздан ортиқ бўлган инвестицион лойиҳаларни назарда тутмоқда, бироқ, айнан шу лойиҳани кичик банклар иштирокида параллел равишда молиялаштириш учун уларнинг синдикатга киришига тўсқинлик қилмоқда;


низомнинг кредит таъминотида доир бандига ўзгартириш киритилиши талаб этилади, чунки лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тамойили – бу қарз олувчининг активларига нисбатан регрессни қўлламаслик ёки қисман қўллашдир ва бошқалар.

Биз лойиҳанинг ҳажмини, биринчидан, унинг қийматини банк капиталига боғламасликни таклиф қиламиз, чунки банклар умумий лойиҳа харажатларининг бир қисмини молиялаштирадilar, ва бу қисм лойиҳанинг тўлиқ қийматидан то бир кичик қисмигача чекланиши мумкин. Иккинчидан, йирик лойиҳа мақоми муайян даражада лойиҳа амалга ошириладиган тармоққа боғлиқ. Шунинг учун, лойиҳа қўламини саноат параметрлари билан ўзаро боғлаш, ёки тижорат банкларининг капиталига қўйилган талаблардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, муаллиф томонидан рискларни камайтириш мақсадида лойиҳавий молиялаштиришни техник жиҳатдан қўллаш, техник экспертизаси, техник рискларни аниқлаш ва бошқариш учун Ўзбекистон банклар ассоциацияси қошида инжиниринг компаниясини ташкил қилиш таклиф қилинмоқда.

Тижорат банкларининг фаолиятида активлар ва пасивларнинг муддати бўйича нисбат самарадорлигини ошириш мақсадида биз барча турдаги инвестицион хусусиятларга эга қимматли қоғозлар бозори воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишни зарур деб ҳисоблаймиз. Албатта, миллий қимматли қоғозлар бозори мутлақ ўсишига қарамай, иқтисодиётнинг реал секторини инвестиция билан таъминлашда кичик ўринни эгалламоқда. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг капиталлашуви 2018 йилда жами 12% ташкил қилган бир пайтда, саноати ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 200% ва ундан ортиқ, қўшни Қозоғистонда 2016 йилда мамлакат ЯИМ ҳажмининг 50,8% ташкил қилган¹¹.


Шу билан бирга, республика тижорат банкларининг лойиҳа компания-ташаббускорининг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали ЛМ схемаларида иштирок этишлари муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, «Тошкент» Республика фонд биржаси қимматли қоғозлар савдосида асосий улушни тижорат банклари эгаллаб, бу нисбат охириги 5 йил давомида сақланиб келмоқда (3-расм).

¹¹ <http://www.nationalbank.kz/cont>



3-расм. 2018 йилда биржа айланмасининг тармоқли тузилмаси (ташқи ҳалқа – битимлар ҳажми, млн. сўмда, ички ҳалқа – битимлар сони)¹²

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ капиталининг сезиларли қисми давлат корхона ва ташкилотларига тегишли бўлгани сабабли, бу ДХШ шартлари асосида ЛМнинг ривожланишига замин яратади. Сўнгги йилларда ресурс базасини кенгайтириш борасида олиб борилаётган сиёсат туфайли банк активлари ва капитали жадал суръатларда ўсиб бормоқда (4-расм).




4-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ активлари, хусусий капитали (чап шкала, млрд.сўм.) ва капиталнинг етарлилиги (фоиз)динамикаси¹³

¹² РФБ «Тошкент» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹³ «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шу билан бирга, 2018 йилда банк капиталининг етарлилик коэффициенти 13,1%гача (Базель-3 меъёрига кўра 12,5%дан кам бўлмаган миқдорда) пасайиш тенденцияси мавжудлиги алоҳида эътиборни тортмоқда, бу эса оқибатда ажратилаётган кредитлар ҳажмига таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, банк томонидан аҳолининг бўш турган маблағларини депозит ҳисоб рақамларга жалб қилиш бўйича ишлар суғуриб олиб борилмоқда. Банкнинг мажбуриятлари таркибида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари улуши 23,7% ёки 2 251,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Ҳозирга қадар банкнинг асосий молиявий кўмаги давлат ва шўъба корхоналари ҳисобидан амалга оширилган.

Шунга қарамай, республиканинг энг йирик кредит ташкилотларидан бўлмиш банк 2018 йилда ўз кредит портфелини оширди, шу жумладан, банк томонидан инвестицион кредитларни ажратиш 2012 йилдан 2018 йилга қадар бўлган давр мобайнида 122% га ошди, банкнинг ЛМ схемаларида иштирокини кенгайтиришга замин яратмоқда (5-расм).



5-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредит портфели ва инвестицион кредитлари динамикаси, млрд. сўм.¹⁴

Бироқ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг устав капитали ва банк барча эмитентлари томонидан бошқа қимматли қоғозларга киритилган инвестицияларнинг максимал миқдори жами 0,035 (меъёрга кўра 0,50 дан ошмаслиги керак) ташкил этди. 2016 йил давомидаги фаолият якунларига кўра активлар рентабеллиги (ROAA) – 0,8%ни, капитал рентабеллиги (ROAE) – 10,2%, соф фоизли маржа – 2,31% ташкил этди. Самарадорлик кўрсаткичлари бўйича банк Ўзбекистон тижорат банклари рейтингда 20-ўридан 24-ўринга кўтарилди.

Инвестициялар самарадорлигини ошириш мақсадида банк томонидан моделлаштирилган кредит (инвестиция) портфелини шакллантиришнинг қуйидаги услубиётини фойдаланиш тавсия этилади. Инвестиция портфели, шу жумладан, лойиҳавий молиялаштиришда ҳам, муайян даромадлиликка эга бўлган активларни ўз таркибига олганлиги сабабли, биз ҳар бир актив бўйича кутилаётган даромадлиликни қуйидаги тартибда аниқлашни таклиф қиламиз.

¹⁴«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Дастлаб, даромад олиш эҳтимоллари кўриб чиқилади ва фонд бозори маълумотларининг таҳлили асосида уларнинг қийматлари аниқланади. Маълум бир актив бўйича кутилаётган даромадлилик даражаси ўртача вазн сифатида белгиланади, бу ерда ҳар бир ҳодисанинг якуний эҳтимоллиги тарози бўлиб хизмат қилади (2-жадвал). Ушбу ҳолатда, акция бўйича кутилаётган даромадлилик даражаси кейинчалик:

$$10\% \times 0,30 + 13\% \times 0,35 + 18\% \times 0,20 + 24\% \times 0,15 = 14,75\% \text{ ташкил қилади.}$$

2-жадвал

Даромадлиликнинг чегаравий ва оралиқ қийматларининг эҳтимолликлари¹⁵

Даромадлилик, %	10	13	18	24	14,75
Эҳтимоллик, %	30	35	20	15	Жами: 100

Портфелдан кутилаётган даромадлилик (d_n) куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$d_n = \sum_{i=1}^N d_i \cdot y_i ,$$

бу ерда, d_i - i -чи актив бўйича кутилаётган даромадлилик;
 y_i - i -чи активнинг портфелга кирувчи барча активларнинг умумий қийматидаги улуши.

Инвестиция мақсадлари ва сотиб олиш учун қимматли қоғозлар турлари аниқланганидан кейин банклар портфелни бошқариш стратегиясини танлайдилар.

Юқорида қайд этилганидек, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ЛМни етарли даражада қўлланилмаётганлик муаммоларидан бири якуний натижаларда ноаниқликларнинг юқори даражасидир. «Ўзсаноатқурилиш-банк» АТБ томонидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг рискин микдорий баҳолаш нуқтаи назаридан маълум бўлган моделларни фирманинг интеграл рискка мослаштириш мумкин. Бунинг учун иккита лойиҳа танлаб олиниб, улар бўйича зарур кўрсаткичлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг параметрлари таҳлили, АҚШ долл.

Кўрсаткич	Сим ишлаб чиқариш	Мева ва сабзавот маҳсулотларини сотиш
Х ишлаб чиқариш ҳажми, тонна	17 000	1 100
Белгиланган харажатлар F	785 685	205 779
Операцион F_o	734 767	54 510
Молиявий F_f	50 918	151 269
1 бирлик учун ўзгарувчан харажатлар	1 261	1 081
1 бирлик учун сотувнарни	1 922	1 800
Солиқ ставкаси t (%)	5%	10%
Тақсимлаш учун талаб қилинадиган фойда E_{cr}	0	0
Фойдани тақсимлаш E_c	1 767 617	526 341
Тақсимланаётган фойданинг захираси Z_c	1 767 617	526 341

¹⁵ Гипотетик жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Лойиҳанинг умумий (интеграл) rischi тўлиқ зарар кўрмаслик rischi деб тушуниш мумкин.

Тўлиқ зарар кўрмаслик «йўлида» биз «аввалги» учта босқични қайд қилиб борамиз:

1) операцион зарарсизлик, унинг чегаравий чиқариши доимий операцион харажатларнинг (F_0) охириги ҳиссасига D нисбати билан белгиланади:

$$X_1 = \frac{F_0}{D} \quad (1)$$

2) қарз олиш зарарсизлиги, унинг чегаравий чиқариши доимий харажатларнинг F (операцион харажатлар F_0 ва молиявий харажатлар) охириги ҳиссасига D нисбати билан белгиланади (маҳсулотнинг сотув нархи ва таннархи ўртасидаги фарқ):

$$X_2 = \frac{F}{D} \quad (2)$$

3) имтиёзли зарарсизлик, унинг чегаравий чиқариши қуйидаги билан ифодаланади:

$$X_3 = \frac{F + \frac{D_{p_{cr}}}{1-t}}{D} \quad (3)$$

бу ерда t – фойдани солиққа тортиш ставкаси, $D_{p_{cr}}$ – имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар.

X_4 коэффиценти тўлиқ зарарсизликнинг чиқаришини ифодалайди ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X_4 = \frac{F + \frac{D_p + E_{cr}}{1-t}}{D} \quad (4)$$

X_1, X_2, X_3, X_4 чегаравий чиқаришлар ёрдамида операцион, қарз олиш, имтиёзли акциялар билан молиялаштириш ва оддий акциялар билан молиялаштириш рискларининг бирикмаси сифатида умумий рискнинг омилли тузилмасини қуйидаги кўринишда қурамиз:

$$R_4 = R_1 \cdot R_{12} \cdot R_{23} \cdot R_{34} \quad (5)$$

Бу ерда $R_1, R_{12}, R_{23}, R_{34}$ операцион, қарз олиш, имтиёзли акциялар билан молиялаштириш ва оддий акциялар билан молиялаштириш рискларининг бўлиб, қуйидагича ифодаланади:

$$R_1 = \frac{X}{X - X_1}, R_{12} = \frac{X - X_1}{X - X_2}, R_{23} = \frac{X - X_2}{X - X_3}, R_{34} = \frac{X - X_3}{X - X_4} \quad (6)$$

Бу 1 дан катта бўлган риск коэффиценти R_4 фойда захираси эгилувчанлигининг чиқиш X бўйича Z_c тақсимооти нисбатига тенг.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан молиялаштирилган лойиҳалар бўйича маълумотлар асосида ўтказилган ҳисоб-китоблар 4-жадвалда гуруҳлаштирилган риск коэффицентларининг қийматларига олиб келди, ва ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, чиқаришнинг камайиши биринчи лойиҳа учун салбий, иккинчи лойиҳа бўйича эса операцион фойданинг ўзгариши унинг учун янада сезиларли бўлиб чиқди.

4-жадвал

Риск коэффицентини ҳисоблаш натижалари

Кўрсаткич	Сим ишлаб чиқариш	Мева ва сабзавот маҳсулотларини сотиш
Операцион риск коэффицентини, R_1	1,485	1,074
Қарз олиш rischi коэффицентини, R_{12}	1,035	1,259
Имтиёзли акциялар орқали молиялаштириш rischi коэффицентини, R_{23}	1,000	1,000
Оддий акциялар орқали молиялаштириш rischi коэффицентини, R_{34}	1,000	1,000
Умумий риск коэффицентини, R_4	1,537	1,352

Лойиҳа рисклари харажатли тавсифларининг кўп омилли тузилмасини тадқиқ қилиш имконини берувчи таклиф қилинган моделлар нафақат лойиҳа рискларини таҳлил қилиш, балки инвестицион-лойиҳавий қарорларни қабул қилиш учун самарали восита ҳисобланади, чунки улар рискли харажатларнинг мақбул даражаси қийматини прогнозлашни осонлаштиради. Бунинг мақсади, биринчидан, риск-таҳлил амалиётини ўтказиш учун якуний харажатларни аниқлаш; иккинчидан, олинган натижаларни лойиҳанинг умумий қиймати билан таққослаш ҳисобланади.


Диссертациянинг «Иқтисодиётнинг реал секторини лойиҳавий молиялаштиришда Ўзбекистон тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш йўллари» деб номланган учинчи боби Ўзбекистон тижорат банкларида ЛМнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланган. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра БЛМни ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳамда ДХШ шартлари асосида БЛМ схемаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбаларини кенгайтириш механизми ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-5022-сон «Иқтисодий ночор корхоналарни кўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тижорат банкларига хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг 50%гача бўлган миқдорини сотиб олишлари рухсат этилади¹⁶. Шу ўринда, биз республика банк тизимини ривожлантиришда тижорат ва инвестиция рискларини чегараловчи америка модели

¹⁶ Постановление Президента Республики Узбекистан от 7.11.2007 г. № ПП-726 «О мерах по дальнейшему развитию банковской системы и вовлечению свободных денежных средств в банковский оборот».

